Фарида МУҲАМЕДОВА, уй бекаси.

Шифокорларга сўз беринг

Кичкина газетани ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Мақолалар кичик, содда ва раво ёзилган. Ҳозир арақхўрликка қарши кураш қизгин. Лекин тамакининг зарарига ҳанузгача кўпчилик тўла тушуниб етгани йўқ. Кашандаликка қарши жанговар ҳужумни «Мушоҳада» бошлаб берса мақбул бўлур эди. Шифокорларга кўпроқ ўрин беринглар. Менинг ўзим ҳам шу мавзуда бэлзи фикрларимни ёзиб юбордим. Газетани тез-тез чиқариб туриш керак.

Исмоилжон ТУРДАЛИЕВ, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист.

Бепарво бўлманг, одамлар!

«Мушоҳада»нинг шу йил 29 март сонидида «Триқиларга очил хат» рубрикаси остида «Қочайди девори» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда Ўзбекистон ССР халқ шоири Со. бир Абдулла ашган ҳамда кўлгина таниқли сўз санъаткорлари меҳмон бўлган боғнинг қаровисига ҳолда қолганлиги, шоирнинг уй-музеи, йн ташкил этишга эътибор берилмаётганлиги танқид тингига олинган эди. Шу муносабат билан редакциямиз газетонлардан кўплаб хатлар олди. Уларда халқ шоирининг номи ва хотира-си эътиборинишга лойиқ эканлиги таъкидланди. Айрим фанр-мулоҳазалар билдирилди.

Со. бир Абдулла халқ севган, назарга тушган ҳақматқаш шоирлардан бири. У Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг шоғирди эди. Ҳамза кўлига эндигина қалам олиб, ижод майдонига кириб келётган ёш шоирга «Давримизнинг Муқимийси бўлиш пайида бўл», деб оқ йўл тилган. Ҳақиқатан ҳам Со. бир Абдулла совет замонасининг Муқимийси бўлиб етишди, халқ ашуларига айланган газалар эди. «Тоҳир ва Зўҳра», «Алломиш», «Муқимий», «Гул ва Наврўз» музикали драмалари билан шуҳрат топди.

Қарангки, шундай машҳур шоирни вафотидан сўнг унутиб қўйибмиз, у яшаган уй ва боғ лоқайдлик тумани аро қолиб кетибди. Бир нарсга бизни ажаблантиради: хотира кунини бу ерга шоирнинг руҳини йўқлаб ҳеч ким келмадикининг Бундан ўттиз йил олдинги ноҳақликлар ҳақида тўлиб-тошиб гапиримиз, кўзимиз олдида нәҳот сўраб турган шоир руҳи ва боғига қиё боқмаймиз.

Мен шоирнинг жуда кўп муҳлислари номидан таклиф киритмоқчиман: «Гулшен» маданият ва истироҳат боғи Со. бир Абдулла номи билан аталиб, келгуси йил Хотира кўнгида ижодкор қалби вабога ва мусавффо жойга, шоирнинг уйи ва тоза эйратгоҳга айлантирилса айни мuddао бўларди.

Абдулла ТОЛИПОВ, санъаткор.

Тинчлигинг шоним

(Икки буюк давлат ўртасида Москвада шартнома имзоланиши муносабати билан).

Яхши ишни аҳли олам, меҳрибонлик дейдилар. Яхши раҳбар бергай элга фаровонлик дейдилар. Ут олиб кетгай эди, дунёни ядро дастидан, Асралиб қолса замин тез, бу омонлик дейдилар. Ақду идрок-ла қўл урди, қанча доно, лекин эл, Айласа ядрони ким даф қаҳрамонлик дейдилар. Аҳдлашиб, суҳбатлашиб, ғисофа оҳир келишиб, Хужжат имзолаганини, аҳди равонлик дейдилар. Дushmanни душман десангиз, ёвлиги ортар аниқ. Ёвни ҳам дўстликка тортиш, зўр инсонлик дейдилар. Эй, онаизорим — замни, тинчлигинг шоним менинг, Онанни қадр айлаганлар, соф имонлик дейдилар. Деҳқоний меҳнатда пок, бир танти халқ авлодима, Халқ, Ватан тинч бўлган оиларни комронлик дейдилар.

Тўхтамураод ДЕҲҚОНИЙ.

БУЛБУЛНИНГ АСАРИ

(МАСАЛ)

Бойўғли, Қизилиштон, Чумчуқ ва Булбул биргалашиб қўлёзма асарларини «Қушнашарга олиб боришибди. Улар тўпла-тўри нашриёт директори Олаҳакка ҳузурига киришибди. Директор консултант Загачавойга буюрибди. Хуллас, уч қушнинг асари унга маъқул бўлибди ва ҚБК (Қушларнинг биринчи китоби) сериясида нашр этилажагини айтибди.

Булбулнинг асари эса қўлга қайтариб берилибди. Чунки у Чугучуқлар муҳокамасидан ўтиши ва комиссия раиси Қаргавойнинг тақдиминомасини олиши керак экан!

Нуриддин ЯҲЁЕВ.

Мардлик мадҳияси

Марҳум жангчи Умаржоннинг ўғли Дилшод ўсиб-ўлғайди, оилали бўлиб янги участкага кўчоқчи бўлганида эски чамадон ичидан сарғайиб кетган, учбурчак шаклдаги хатни топиб олди, ўқий бошлади:

«Қадрдон дўстимиз Умар Жамилонинг оиласига. У. Жамилов шу йил 23 февраль — Совет Армияси кўрак кечаси штабни душман айгоқчиларидан ҳимоя қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Биз қуролдош дўстимиз У. Жамилов ва яна бир неча жангчини мактаб рўпарасидаги тепаликка дафн этдик. Вақти келиб, биродаримиз қабрини зиёрат қилгани келсангиз, унинг жасадини шу ердан топасиз.

Скудовск шахридаги 1-ўрта мактабнинг бир группа ўқитувчилари.

25 февраль, 1945 йил. Бу хат Маҳфуза опа дардини янгилади. Уша оғир дардди кунларни (1945 йил февраллини) эслаб, кўз ёши билан бўлган воқеани айтиб берди: — Ҳа, ўғлим, шу «қора хат» келганида сен 7 яшар, онанг Шохида 12 яшар бола эдиларинг. Бу хабарни эшитиб, ойлаб йиғладим, кўйдим, алмо мурғак кўнгиллари озор чекишини истамдим. Шу тўфайли хатни чамадонга яшириб қўйган эдим.

Воқеаларни батафсил билиш учун Дилшод Жамилов Скудовскдаги мактаб ўқитувчиларига мактуб йўллади. Кўп ўтмай хатга тубандаги мазмунда жавоб мактуби келди: «...Биз Умар Жамилонин дафн этиш маросиминда қатнашган кекса ўқитувчилар билан суҳбатлашиб, сизга ушбу мактубни йўллаяпмиз.

У Жамилов ҳақиқатан ҳам 1945 йилнинг 23 февралига ўтар кечаси фашист соқчилари билан бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Қаҳрамоннинг жасади ўша вақтда штаб бўлган мактабимиз олдидаги тепаликка дафн этилган. 1965 йилда Скудовск шахар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан лейтенант Умар Жамилов ва унинг қуролдош дўстлари лейтенант Геннадий Николаевич Иванов, гардия капитани Моисей Наумович Поляков, ефрейтор Махмуд Мухаммаджонвич Алимбеков каби ватандошларимизнинг ҳоқи у ердан олиниб «Биродарлик қабристонига» дафн этилди ва ёдгорлик ўрнатилди. Ёдгорлик атрофида гулзор барпо этилган. Мактабимиз ўқувчилари гулларни доимо меҳр билан парваршиш

қилдилар.

Сизларнинг дўстларингиз». Умар ака Жамилов Улғу Ватан уруши бошланганда 33 ёшга тўлган навқирон йигит эди. Ташкентдаги В. И. Ленин номида педагогика билим юртида ўқитувчилик қиларди. Мен 1936—39 йилларда у кишининг қўлида таълим олганман.

Улғу Ватан уруши бошланиши билан кўплар қатори у ҳам фронтга кетди. Сталинград жангида, Болтиқ бўйи фронтда немис-фашист босқинчиларига қарши жанглarda ўрнатқ кўрсатди. У оддий солдатликдан лейтенант даражасига кўтарилди. Скудовск шахрини душмандан озод қилишда кўрсатган жасорати учун «Жасурлиги учун» медали ва вафотидан сўнг I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди. Галаба кунлари яқинлашиб қолганлигини сезган Умар ака умр йўлдоши Маҳфуза опага қуйидаги мазмунда хат йўллаган эди:


«Вафодорим Маҳфуза! Уруш тугаш арафасида. Манга тўрт йилдирки, оғир жанглари бошдан кечириб, юзлаб шаҳар ва қишлоқларни гитлерчилардан озод қилдик. Галаба кунлари яқин. Тез кунда дийдор кўришиб қолармиз. Хайр, мен учун севайли фарзандларим Шохида ва Дилшодни ўлиб қўй».

Афсуски, бу Умаржон аканинг сўнги хати эди. Турмуш ўртоғининг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги «қора хат»ни олган Маҳфуза опа қаттиқ қайғурди. Аммо оғир дамларни сабот ва матонат билан енғди. Фарзандлари Шохида ва Дилшодни оқ ювиб, оқ тараб тарбиялаб ўқирди. Тақдирни қарангки, билим юртида таълим берган устозим Умаржон аканинг ўғли — Дилшодга 24-мактабда она тили ва адабиётдан дарс бердим. От ўрнини той босди. Шохида архитектор бўлиб етишди, Дилшод курувчи-инженер.

Маҳфуза опа фарзандлари билан яна Умаржоннинг қабрини зиёрат қилиб қайтдилар. Она-Ватан озодлик, халқ бахт-саодати йўлида ҳалок бўлган жангчилар хотирасини ёзозлаётган латвиялик дўстларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди.

Маҳфуза опа фарзандлари ва 10 дан ортиқ неваралари ҳузурда кексалик гапшини сурмоқда, уларга бобоси ҳақида тез-тез ҳикоя қилиб бермоқда.

Ҳамидулла ЯУЛДОШЕВ, кекса педагог.



Ташкентдаги кўриш қобилиятини контакт рoстлаш лабораториясида меҳнат унвдорлиги иттифоқи нормативидан уч барабар ошиб кетди. Коллектив ана шундай юқори кўрсаткичга ҳўжалик ҳисобига ўтиш ҳамда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашинг бригада

усулини жорий этиш ҳисобига эришди. СУРАТДА: медицина халқшираси Р. Турбо-ва беморга контакт линзидан қандай фойдаланишини тўшунтиряпти.

Р. Нуриддинов фотоси, (УЗАГА).

Ҳаммаси олдинда

Йиллар сайин эмас, дақиқа сайин, Ўзгариб турибди бизнинг бу ҳаёт. Қўшиқлар қуйланар алладай майин, Ёзилар баҳордай бетимсол баёт. Ҳали шундай кунлар келар, бир куня, Унда таъмагирлар бўлмайди, имон. Ҳеч ким унда, ўғлим, алдамас сени, Ҳаёт мўлом бўлар ойдин, нурафшон. Барча ҳазар қилар киши қаҳидан, Биров бир тийинга қилмас хиёнат. Бирор кимса унда давлат банқидан, Пуллар ўмармайди ўғлим, тумонат, Биров унда қулмас киши устидан, Бировнинг ўрини қўзламам биров. Ташвишлар чекмайсан бўхтон дастидан, Ҳасад йўлларингда бўлмайди гов. Йиллар сайин эмас, дақиқа сайин, Яшариб боряпти бизнинг бу ҳаёт! Қўшиқлар қуйланар, алладай майин, Ёзилар баҳордай бетимсол баёт!..

Таржимаи ҳол

Яшаб мен бировга, қимларга ўхшаб, Живдай таъма билан салом бермадим. Кимдандир панд есам онқора йиғлаб,

Қасд олиш фикрида пойлаб юрмадим. Бурда нонга тўйган қоринимн ўйлаб, Ноҳақ ранжитмадим киши дилини. Мағлуб турганда ҳам рўени сўйлаб, Ҳасад-ла сиқмадим зўрнинг қўлини. Ҳавас осмон қадар, кўкракка сиғмас, Ҳаётга беш кунлик ҳирс-ла боқмадим. Хиёнат қилмоққа онам туққанмас, Ҳузур-ҳаловат деб қанот қўқамдим. Рости шунча яшаб сўз излаб топдим, Олтидан минг афзал кўрдим мен сўзин. Яшаб, ёмонлиқнинг бошини чопдим, Жонимдан севдим мен одамлар, сизни!..

Ўтинчим

Тонг сени уйқудан уйғота туриб, Диллингни яйратар, яйратар осмон. Булбуллар қўшини бошлашар кўриб, Ухлаб турганингда, ҳазрати инсон. Сен учун очилар анвойи гуллар, Шамошлар тегранда гир-гир айланар. Саломга шошлар келиндай еллар, Офтоб қўзларингда гўё жойланар. Сен учун яралган неки бор бунда, Дунёга яланғоч келган эй инсон! Улғайиб бўйларинг чўзилган кунда, Уларни айлама ер билан яқсон...

Давлатмурад САЪДУЛЛАЕВ.

Сочлари тўзиган онанинг уймай кириб чиқиб юрганни кўрган Рихсвойнинг кўзлари намланди. — Келинг, Пошшахон ая! — Ен қўшим, жон қўшимсан, Рихсвой! — деди кампир. — Илтмос, дастлабки кўрсатмангдан воз кеч, темир таёқ олиб укаларини қувламади де, Олимжоннинг қўлида хипчин эди, деб айт. Ахир, катта ака ота ўринда, укаларига хипчин билан дўқ-пўписа қилиши мўминку! Бунинг учун қалашмайди, тўрими!

— Сизин мушлагани, итариб юборганда бошингиз билан деворга урлиб беҳуш бўлиб қолганингиз ростку, аямон!

— Майли, мен кечирдим. Синглис ҳам кечирди. Балки суд ҳам кечирар эҳтимол...

Уша кунин Пошшахон ая бу муҳҳи воқеанинг гувоҳи бўлган қўшинлари Назира Собирова, Собир Екубов, Раҳматжон Исмомлов, Манзура Маҷнонова, Мастура Исмомловаларга ҳам шу илтмос билан мурожаат қилиб, ўзинча уларни кўндирган бўлди.

Мана, Сергели район халқ судининг мажлислир залм. Нигоҳларда икки хил мазмун: сочлари қордай оппоқ онага йўналган боқиларда аниқлиш, меҳр, ноқобил фарзанд Олимжонга қадалган кўзларда эса ғазаб ва нафрат. Жамиятнинг ҳўк-

рон. Фақат ҳодиса тафсилотини баён этаётган халқ судьяси К. Яўлчевнинг овози жанрангламоқда.

...Ҳаммаси бир қултумдан бошланди. Сўнгра стакан тўлдириб ичилди. Аввало ора-сира, кейинчалик у ҳар кунни арақ ичмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Шундай қилиб Саъдий кўчасидаги 50-уйда яна

Фожна рўй берган кунни ҳам у уйга кирт маст ҳолда кириб келди. — Нега овқат пиширмадинг! — Овқат тайёр, акажон, — титраб-қақшаб гапирди сингли Мавлуза, — ҳозир иситиб келаман. — Келганимча нега иситиб қўймадинг! — ўшқирди ака. — Ахир биз қачон келишингиз

Донубува даврасида

Кўз ёшлари тутдисиени

бир арақтўр пайдо бўлди. «Ўзбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмасида ишларди у, топиш-тутиш жойида эди. Алмо арақ оралагач, даромадга дарз кетди, ҳатто оилани боқишга ҳам қурби етмай қолди. Нима қилиш керак! Оиладан воз кечсинми, арақдан! Олимжон биринчи йўлини тутди, хотинини икки фарзанди билан уйдан ҳайдаб чиқарди. Онанинг йиғлаб ялғинишлари кор қилмади. Шу-шу, Олимжон ҳар кунни уйга гандирақлаб келадики, қўлига тушган нарсани синдириб, рўбарў бўлган уқани каптаклайдиган ҳўнар чиқарди.

... — синглининг гапи оғзида қолди, аканинг залворли мушти уи ерга аганатди. Ҳай-ҳайлаб ўртага тўшмоқчи бўлган онага ҳам мушт келиб тегди.

— Менга қўл кўтарма, болам, — ёлборишга ўтди Пошшахон ая, — не-не ҳасратда катта қилдим сени. Кўзи қонга тўлган ўғил онани ҳўлпа бўлиб, куч билан бир четга улоқтирди, муштипар аёл боши билан қилиб деворга урилди, бир оҳ чекиб беҳуш йиқилди. Олимжон эса сервантдаги чинини ва биллур қидишларини чил-чил синдира бошлади.

— Ҳой, ўзингизни босинг, — уқаси Рустам акасини тартибга қақирмоқчи бўлди. — Мавлуза олам бу нодир буюмларни ўз маошидан тўйинга атаб тўллаб юрибди. Шундай дедю, ука балого қолди. Олимжон қўлига аллақердан тушиб қолган темирни ушлаганича укалари Мавлуза, Рустам, Ферузаларни қувлаб қўшинси Рихсвой Норматов уйига ча борди. Кичиклар шу ҳовлида паноҳ топишди. Қўни-қўшинлар жароҳатланган онани касалхонага ётқизишди... Халқ судьяси ҳодиса тафсилотини баён этиб бўлгач, чўқур уф тортиб ўрнига ўтирди. Шу заҳотнёк кексаликка хос бўлмаган қаққонлик билан Пошшахон ая ўрнидан турди: — Аёб — кексаликда, ўзим йиқилиб тушиб, бошимни деворга уриб олибман. Олимжон мени урган йўқ. Уни кечиринлар, у ҳали ёш!

Эх, онаизор, ўғил қирққа кирибди-ю, ҳали унинг учун бу ноқобил ҳамон ёш, ўғил уни ўлим бағрига итқиқмоқчи бўлибдию ҳақон бу оқпадар унинг наздида беғуно! Онага мушт кўтарган тошбағир Олимжон Сағатов тўрт йил мудатга озодликдан маҳрум этилди...

Донубувага Раҳмонали АҚБАРАЛИЕВ котиблик қилди.

— Толиб Содиқович мана мамлакатимизда қайта қуриш шабадаси эсиб турибди. Ошкоралик, демократия деган сўзлар одамларнинг оғзидан тўшмай қолди. Бу ўзгаришлар уларга маъқул бўлди. Йиллар бўйи ичимизда «димланиб» ётган гапларни энди очки-ойдин айтмоқчи. Келинг, Сиз билан ҳам очкичасига гаплашайлик.

— Марҳамат, мен сизлардан ҳеч нарсани яшироқчимасман. Мен дилчимдаги бор гапни, мени ташвишлантираётган, тўлқинлантираётган, ҳаяжонлантираётган гапларни айтмоқчиман.

— Раҳмат. Маълумки В. И. Ленин вафотидан кейин ленинча принциплардан чекиниш бошланди. Партия учун аёна бўлган мунозаралар эркинлиги тугатилди, коллегиялик ва партия ички демократияси бузила бошлади. Айрим коммунистлар «айниди». Шундан келиб чиққан ҳолда сизга «Коммунистни қандай тасаввур этасиз?» деган саволни бермоқчимиз.

— Бу қизиқ савол бўлди-ку. КПСС Уставида коммунистнинг бурчи ва масъулияти аниқ ва равшан ёзиб қўйилган. Унинг қандай бўлиши айтилган.

— Тўғри, буни ҳамма жуда ахши билади. Сўзимиз бошида айрим коммунистлар «айниди» деб айтди. Бу билан айтмоқчимизки, КПСС Устави-дан чекинишлар, таабурликнинг пайдо бўлиши кўпгина хунук оқибатларга олиб келди. Бошимизга озмунча маломат тошларини ёғдирмади, десиз. Агар ҳар бир коммунист КПСС Устав талабларига риоя қилганида, ленинча принципларга риоя этганида, у чизиб берган тўғри йўлдан борганида, биз шу кунларга тушмас эдик, бош берк сўмоқларда улоқиб юрмас эдик.

— Ҳа, балли. бу гапни сиз билан оиз энди айтганимиз. Қанчадан қанча лаёқатли кадрларимиз майиб бўлгандан кейин, партия билети мансабдан мансабга кўтарилиш воситаси бўлиб қолгандан кейин сесканиб уйғондик. Бунинг туб сабаблари нимада эди? Сайлаб қўйилмаган лавозимларни эгаллаш соҳасида чеклашларнинг йўқлиги, лавозимларга таниш-билиш, ошна-оғайнигарчилик билан ўтиб олиш, пора билан мансабга эришиш кадрларимизнинг бўзилишига, бюрократик кўри-нишларга мойил бўлишига олиб келди. Улар агар «таъзим» бўлса, умр бўйи шу лавозимда ишлайвераман деб йилларни эркин ҳис этдилар. Турғунлик йилларида бу нерса янада кучайди. Оқибатда партиянинг обрўси тушди. Турли қинғир йўллар билан партияга суқулиб кирувчи унсурлар сон ортди. Ана шундай кишилар буйруқбоз-лика, лаганбардорликка, «катта» нима деса «хўп» дейишга ўргандилар. Ленин чизиб берган йўлдан адашдик, додинлар. Кўпчилигимиз бунинг учун соибқилари айблагилми. Лекин уша пайларда кузимизни юмиб, завоқшақ билан гулдурос қарсақлар чалганимизни унутиб қўйилдик.

— Қарсақ чалмаганларнинг аҳоли ўзингизга маълумку!

— Ахир коммунистнинг қатъий позицияси бўлиши керак-да.

— Яқинда «Неделя»да қизиқ бир мақола ўқиб қолдик. Унда айтилишича, Сталин нутқлари ёзилган грамластик китубчининг бир томонида раислик қилувчининг «Уртоқ Сталин нутқ сўзлайди» деган гаплари бор экан, холос. Шундан кейин пластиканинг бир томони узоқ давом этган гулдурос қарсақлар билан тугаб, бошқа томонидаги нутқ бошлар экан. Коммунистнинг қатъий позицияси ҳақида ўзингиз гап очдингиз. Аммо Сталин замонидан бошланган гулдурос қарсақлар экиндаги сал пасайди-ку. Бизнингча раҳбарларнинг ҳар бир гапни маъқуллаб, қафтарли оғриғунча қарсақ чаладиган одамларда қатъий позиция бўлганимизки!

— Ҳамма нарса одамнинг ўзига боғлиқ. Масалан, республика ветеранлар Советининг раиси Расул Ғуломовичга ўшаган кишилар ўз қатъий позицияларидан қайтмадилар, баъзи лаганбардорларга қўшилиб, қарсақ чаладилар. Коммунист қандай бўлиши керак деганда, кўз ўнгимга ана шундай қатъий фикрли кишилар келади.

Сизлар билмайсизлар, «Ташсевля»да иш бошлаганимда аҳоли ниҳоятда оғир эди. Ҳамма нарсанинг қатъий ҳисоб-хитоби бўларди. Чунки мамлакатимизда Улуғ Ватан уруши борарди. Ана шундай мураккаб пайларда ҳам коммунистлар бошқаларни ўз орқаларидан эргаштирадиган руҳлантириб, кўларига куч қўшардилар. Мен оилаб станок ёнидан жилмаган коммунистларни биларман. Улар бунинг учун ҳеч қандай мукофот тазма қилмасдилар.

— Гапларингизга тўла қўшилмасиз. Киров, Оржоникидзе, Рудзутак, Бузарин сизга матонатли ленинчиларимиз билан фахрланамиз. Ақмал Икро-

мов, Файзулла Хўжаевдек чинакам халқ фарзандлари ҳозирги ёш авлодга афсонавий қаҳрамонлардек туюлади...

— Ҳа, ўша пайларда коммунистик этиқод билан яшашнинг ўзи қаҳрамонлик эди. Улар ана шу этиқод билан яшадилар. Охири нафасларига йўлдан қайтмадилар. Бўлмаса Файзулла Хўжаев Бухоронинг бадавлат хонадониде туғилган зеб-зийнатларга кўмилиб яшаши мумкин эди. Лекин у коммунистик этиқодига имон келтирди, ана шу этиқод йўлида отасининг миллионларидан воз кечди.

— Ҳақиқатан ҳам қайта қуриш осмонида гулдурган момақалди роқчамоқлар ҳаммаи оёққа турғизди. Партияимизнинг улуғ Ленин васиятларига кўра юргизаётган сиёсати лоқайдлик, таабурлик, тамбаллик, тўрачилик ва бошқа қатор иллатларга қарши беаёв ўт очмоқда. КПСС Марказий Комитетининг умумхалқ муҳокамасига қўйилган Тезисларни ўқимаган одам қолмади ҳисоб. Партия ветерани сифатида Тезислардаги фикрлар қандай қарайсиз!

— Онинг Тезислар ҳамма қатори менинг ҳам дилимга чўс солди. Айниқса,

Саҳифа меҳмони

Толиб СОДИҚОВ:



«Камроқ қарсақ чалинг, ўртоқлар...»

Бугун Ватанимиз пойтахти — Москвада мамлакатимиз коммунистларининг Бутуниттifoқ XIX партия конференцияси ўз ишнни бошлади. Ҳаммамнинг диққат-этибори унга қаратилган. Чунки конференция муҳокамасига қўйилмаётган масалалар партия ва мамлакат учун жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга бўлган масалалардир. Хуллас, ўн саккизинчи конференциядан сўнг орадан қирқ етти йил ўтга, яна конференция ўтказишга қарор қилинди. Халқимиз ундан жуда кўп нарсаларни кутмоқда. Шу билан бирга улар демократия ва ошкоралик принципларига биноан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Бу байрли шидан ветеран-коммунистлар ҳам четда қолмадилар. Улар ўз ҳаётлари давомида жуда кўп қийинчиликларни кўрганлар. Мамлакатимиз бошига тушган оғир кунларда матонат билан тер тўкиб, коммунист деган номни улуғлашган. Уларнинг кўрган-кечирганлари, ҳаётий тулосалари, ўғитлари, фикр-мулоҳазалари биз учун доимо ҳаёт мактаби бўлиб қолади. Шундай коммунистлардан бири Толиб Содиқович СОДИҚОВдир. У 1947 йилдан КПСС аъзоси, меҳнат фаолиятини «Ташсевля» заводида шоғирдикдан бошлаб, смена мастери, партокм секретари, завод директорлигидан район партия комитетининг биринчи секретари лавозимига кўтарилган. У бу масъул лавозимда салкам 30 йил хизмат қилди. Обрў-этибор билан пенсияга чиқди. Ҳозирги кунда уша ва меҳнат ветеранлари Тошкент шаҳар Совети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келяпти. Партия ветерани Толиб Содиқович билан бўлган сўбатимиз ҳам мамлакатимизда рўй бераётган революцион ўзгаришлар хусусида, коммунист-раҳбарларнинг маънавий олами ҳамда демократия ва ошкоралик тўғрисида боради.

— Замонанинг зайлини қарангки, баъзи коммунист-раҳбарларимиз коммунистик этиқодни миллионларга алмашидик, қолгани кабинетларда амру фармон юргиздилар, одамлар кўз ўнгига залварли пардалар олиб ташлагач, уларнинг қашшоқ маънавий қиёмаси кўриниб қолди. Кечагина ҳамма-миз гулдурос қарсақлар билан олқишлаган собиқ раҳбарларимизнинг аслида нопок эканликлари алам қилади кишига. Улар учун уялиб, мулзам тортамиз...

— Таабурлик, ўз шахсини улуғлашга мойиллик бундай одамларнинг маънавий тубанлик сари етаклади. Улар гулдурос қарсақлар сеҳрида оёқлари остида ер борлигини унутдилар. Камчилигимизни тан олишимиз керак. Тепамизга қимчи раҳбар бўлиб келса, қарсақ чалиб маъқуллашни ўз бурчимиз деб билдик. Мен раҳбарлик лавозимларида узоқ вақт ишладим. Ҳозир сизлар билан гаплашиб ўтириб ўша ўтган йиллар ҳам кўз ўнгимдан ўтмоқда. Шуниси аччинорки, ўша пайларда ҳаммаси кўр-кўрона расмиятчилик учунгина қилинарди. Маъжиста раислик қилувчи ўтирганлардан сўрайди: «Қаршилар, бетарафлар борми! Йўқ. Демак, бир овоздан қабул қилинди». Қани бирор мард ўрнидан туриб «Мен қаршиман» десин-чи. Нақ бало-қазоларнинг қудромида қолади. Шунинг учун ҳам одамларда «Қарши бўлсам ҳам, бетараф бўлсам ҳам бари-бар ўз билганларидан қолшмайди» деган кайфият пайдо бўлган эди. Кўпинча ҳаёлимда команда берилгандек кўтарилган кўлар, лоқайд, уйқусираган чехралар жонланади. Сув ҳам бир лойқалони тинади. Қайта қуриш ҳаётимизда ана шундай иллатларнинг илҳизини тортмоқда.

— Тезисларнинг 5-бандидаги гаплар жуда маъқул бўлди. Партия ролинни ошириш керак.

— Буни қандай ошириш мумкин! Сизнинг фикрингиз!

— Мен бу саволга М. С. Горбачевнинг сўзлари билан жавоб бермоқчиман. «Партия ролининг кучайиб бориши — қонуният жиараён, — деган эди у Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги докладыда. — Аммо бундай ролни қуруқ сўзлар ёки юзаси расм-русумлар белгилаб бермайди. Бу ролни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг теранлиги ҳамда ҳалоллиги, сиёсатнинг ўйлаб юритилиши ва ҳаракатларнинг қатъийлиги, хусусий билан умумийни, шахсий манфаат билан жамоат манфаатини, ҳозирги кун билан узоқ муддатли даврни қиёслаб биллиш маҳорати белгилаб беради. Бу ролни жамаиятдаги ишларнинг бориши учун барча партия ташкилотлари ва ҳар бир коммунистнинг масъулиятини ошириш белгилаб беради».

— Демак, одамлар онгига коммунистик таъсир ўтказишни кучайтириш керак демократизм-да!

— Ҳа, шундай. Ҳали баъзиларимизнинг онгимизда эски кайфиятлар ўтган замонлардан, яъни турғунлик йилларидан мерос қолган иллатлар жуда кўп. Иллат бўлса ўртага «Пропаганда ва яна пропаганда!» шунорини ташлаш керак. Муҳолифларимиз бу соҳага миллиардлаб долларларни сарфлаётганликлари бежиз эмас. Айниқса, ҳозирги демократия даврида одамларни ишонтирсангизгина улар орқангиздан эргашади. Партия ташкилотларининг ролни пасайиб кетганлиги яна шу нарса билан изоҳланадики, улар идеология ишларини кўпроқ унутиб қўйдилар. Ак-

синча, ҳўжалик ишларни бошқаришга берилиб кетдилар. Ҳаёт шунини кўрсатмоқдаки, ишда қатъий бурилиш қилишга муваффақ бўлинган, партия раҳбарлари, коммунистлар омманинг ташаббускорлигини уйғота олган жойларда демократиялаш ва ошкоралик йўлидан борилмоқда. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги формаларига кенг ўлиб очиб берилмоқда. Одамларнинг эҳтиёжларини қондириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинаётган жойларда ишлар жадаллашмоқда.

— Бунинг учун кўпроқ демократия маданиятини эгаллашимиз керак экан-да.

— Ҳа, бу масала яна ўткирроқ тусда кўндаланг бўлмоқда. Чунки бюрократизм ва ҳокимиятни сунистеъмоқ қилиш, мансабпарастлик, ҳўжасизлик ва масъулиятсизлик каби қатор иллатлар ана шундай маданиятнинг етишмаслиги оқибатида келиб чиқади. Чинакам демократия маданияти эса буйруқбозлик, «таъийқ» услубини ҳам, ташкилий ноаниқликни, ишни қуруқ гап билан алмаштиришни ҳам ўзига сингдира олмайди. Қайта қуриш даврида муваффақиятларимизнинг қалити битта. У ҳам бўлса — ишчанлик, демократия ва ошкоралик уюшқоқлик ва интизом.

— Матбуотдаги чиқишларда кўпчилик партия аппаратларининг тузилишини қараб чиқиш, уни қисқартиришни ёқлапти. Бу хусусда Сиз қандай фикр-дасиз!

— Мен ҳам бу фикрга тўла қўшилман. Партия аппаратларининг тузилишини қараб чиқиш, уни қисқартириш тарафдориман. Шунингдек, партия ва давлат органлари функциялари аниқ белгилаб қўйилсин. Кўпинча шундай бўлади, район партия комитети сўсий ва идеологик ишларни комитети сўсий ва идеологик ишлари — дағал хашак йиғиш, сабзаот йиғиштириш, мева-чева териб олиш ва бошқа шунга ўхшаш ишлар билан машғул бўлади. Район партия комитети аппаратидаги бўлимларни ҳам қисқартириш керак. Бизда ҳали ортиқча сарф-ҳаражат, ҳўжасизлик катта. Ана шулар ҳақида уйлашимиз, уларни тартибга келтиришимиз лозим. Шунингдек, партияга қабул қилишда демократия, принципларга қаттиқ риоя қилинишни истаёман. Бошлангич партия ташкилотлари сўнгги сўзни айтиб, ишчи ёки ходимни партияга қабул қилсин. Район партия комитетлари эса фақат ана шу бошлангич партия ташкилотларининг қарорини тасдиқлаши мумкин.

— Сиз шаҳар уруш ва меҳнат ветеранлари Совети раҳбарларидан бири-сиз. Шунинг учун бевосита ўз соҳангиз тўғрисида сўрамасак, нисофдан бўлмас.

— Қарангки, сизлар билан бир соатдан ортқик гаплашиб ўтирибимиз. Аммо ветеранлар ва уларга қилинаётган ғамхўрликлар ҳақида батафсил гапирадиган бўлсам, кун кеч бўлади. Шунинг учун — фақат шаҳримизнинг фахри бўлган ветеранларимизнинг номларини тилга олмақчиман, 1919 йилдан КПСС аъзоси И. С. Секретарёв, 1920—1930 йилларда Ленин партияси сафига кирган Йўлдош Бобожонов, Чинниҳон Иброҳимов, Азиз Тўхтабоев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Лидия Павловна Казанцева, Антонина Павловна Хлебущина, биринчи ўзбек парашютистик Башорат Мирбобоева... Коммунистик этиқод ва имонни ана шулардан ўргангиш керак.

— Янгилигимиз, тобланиш замонда яшавамиз. Аjab эмаски, янги даврининг ўз Кировлари, ўз Бухаринлари ўз Хўжаевлари етишиб чиқса, имон-этиқод муштакмайланса...

— Шак-шубҳасиз шундай бўлади. Одамлар онгидеги кўртлаган иллатларни сидириб олиб ташлаётган Коммунистик партияимизнинг бош мақсади ҳам шу.

— Толиб Содиқович, саҳифамиз меҳмонларига берилган аънавий сўнгги саволимиз бор: «Мушоҳада» мухлисларига қандай истаклар билдирмоқчиси!

— Энг аввало соғ-саломат бўлишим. Кейин ғалати бўлса ҳам бир истақ айтмоқчиман: қарсақбозлик, олқишчиларни ўрганманг. Кафтингизни кафтингизга уришдан олдин пухта-пишқ ўйлаб олинг. Аслини олганда, виждонан ишлайдиганлар ҳеч қандай қарсақларга муҳтож эмас.

— Мазмуни сўбатингиз учун оқшомхонлар, «Мушоҳада» мухлислари номидан Сизга миннатдорчилик билдирамиз.

— Раҳмат.

Саҳифа мезбонлари Эсон ҚОСИМОВ ва Мурод ХАЛИЛОВ.

«Мушоҳада»нинг навбатдаги сонини 26 июлда чиқади.

